

BANK RISKLARINI BOSHQARISHDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARNING O'RN

ESHONQULOV AZAMAT ABDIRAXIMOVICH,
TDIU "Buxgalteriya hisobi" kafedrası assistenti
PARDAYEVA GULRUX SOBIRJON QIZI,
TDIU "Moliya va Buxgalteriya hisobi" fakulteti
talabasi

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-5-p162-164>

Annotatsiya. Ushbu maqolada, tijorat banklari faoliyatidagi risklarni baholash va boshqarish usullari, risklarning tijorat banklarining moliyaviy holatiga va likvidligiga ta'siri hamda risklarni boshqarishda raqamli texnologiyalarning ahamiyati borasida so'z yuritiladi.

Tayanch so'z va iboralar: bank risklari, risklarni boshqarish, bank texnologiyalari, axborot texnologiyalari, internet banking, kredit.

КИРИШ

Бугунги кунда, мамлакатимиз банк тизimini такомиллаштириш ва жаҳон стандартларига яқинлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, банк рискларини бошқариш йўналишида Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги банкларни замонавий тижорат банкларига трансформация қилиш бўйича ишлар доирасида рискларни бошқариш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, Базель қўмитаси талаблари асосида қайта ташкил этилмоқда.¹

Бунда, банклар олдида рискларни бошқариш сиёсати, рискларни бошқариш стратегияси ва риск-аппетити методологиясини янгидан ишлаб чиқиш, рискларни назорат қилувчи ва бошқарувчи қўмиталар ташкил этиш, шунингдек, риск ҳисоботларини янгича талқинда ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш, ликвидлилик, фоиз, валюта, кредит рисклари бўйича стресс-тестларнинг янги моделларини яратиш каби муҳим вазифалар устувор этиб белгиланган.

Тижорат банклари рискларини бошқариш усуллариининг иқтисодий моҳияти ва турлари хусусида иқтисодий адабиётларда жуда кенг ҳамда турли туман фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Бироқ уларнинг шакли ва шамойили турли-туман бўлгани билан мазмуни битта мақсадга қаратилган. Шу жиҳатдан ушбу масалага яна бир бор ойдинлик киритиш мақсадида: "Тижорат банклари рискларини бошқариш усуллари - бу банкнинг ўз олдида қўйган мақсадига эришиш учун рискларни бошқариш, уларнинг хавфсиз даражасини таъминланганлигини баҳолашга хизмат қиладиган ёндашув ва тенгликлар мажмуидир" тарзидаги иқтисодий таърифни шакллантирдик.

¹ https://ipotekabank.uz/uz/news/training_risk/sphrase.

Маълумки, банкларда рискларни бошқариш усуллари ички ва ташқи омиллар таъсирида тизимли ва стихияли равишда ривожланган. Хусусан, банкларнинг операциялари ва хизматлари турининг ортиб бориши, шунингдек молиявий инструментларнинг кенг қўлланилиши ва кредит муассасалари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши банк рискларини бошқаришнинг турли усулларининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Шуниси эътиборга лойиқки, хориж банк амалиётида рискларни бошқаришда қўлланиладиган усуллар асосида уларнинг базавий тамойиллари туради. Шу боис, халқаро ва маҳаллий банклар рискларини бошқариш усулларни жорий этишда иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий омилларни эътиборга олган ҳолда ёндашув зарурлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Банк рискларини бошқаришда қўлланиладиган усуллар рискларни хавфсиз даражада пасайтириш орқали банклар кўриши мумкин бўлган иқтисодий зарарларни олдини олишга хизмат қилиш керак.

Шунингдек, тижорат банклари фаолиятига янги инновацион технологияларни жорий этилаётганлиги банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг сифати ва сонини ошириш билан бирга, рискларнинг ошишига ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, инновацион банк технологияларидан бири бўлган электрон банкинг банк рискларининг янги манбаларини юзага келишига олиб келади. Бу эса, қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

1. Банкнинг ноқонуний операциялар билан шуғулланишга мойиллиги бўлган янги мижозларининг пайдо бўлиши.

2. Учинчи томонларнинг, шу жумладан, провайдерларни масофавий банк хизматлари тизимини шакллантириш ва ишлашнинг таъминлаш мақсадида жалб қилиниши.

3. Банкларнинг автоматлаштирилган тизимларига ноқонуний кириш ва хакерлик ҳужумлари қилишга уринишларнинг пайдо бўлиши.

Шу билан бирга, инновацион банк технологияси бўлган Интернет-банкнинг аҳам атайин компьютер вирусини тарқатиш йўли билан дастурий таъминотга зарар етказиш мақсадидаги уринишлар кузатилади.

Электрон форматда кўрсатиладиган банк хизматлари жараёнида юзага келадиган рискларнинг чуқурлашишининг олдини олиш мақсадида Базел қўмитаси мазкур хизмат турлари билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш принципларини ишлаб чиқди. Жумладан:

- тижорат банкининг Директорлар кенгаши ва Бошқаруви учун принциплар;

- хавфсизликни таъминлаш воситаларини танлаш ва мақбул тарзда амал қилиши учун принциплар;

- рискларни бошқаришнинг аҳамиятлилигини ошириш учун принциплар.¹

Фикримизча, мамлакатимиз банклари томонидан мазкур принципларга риоя қилиш электрон банк хизматлари билан боғлиқ бўлган рискларнинг чуқурлашишининг олдини олиш имконини беради. Хусусан, Интернет-банкнинг операцияларини амалга ошириш ва хавфсизлик юзасидан назоратнинг ишончлилигини таъминлаш шароитида рискларни бошқариш сиёсати учун тижорат банкининг Кузатув кенгаши жавоб беради. Тижорат банки Бошқа-

¹ Ж.Й.Исаков, З.Ж.Адилова, Б.А.Хонтўраев “Банк рисклари” ўқув қўлланма “Иқтисодиёт” Тошкент-2020 йил. 14-15 бет.

руви эса электрон банк хизматлари кўрсатиш жараёнида аутентификация усуллари жорий қилиш, маълумотлардан ички ва ташқи фойдаланувчилар учун чекловлар қўллаш юзасидан жавобгар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. https://ipotekabank.uz/uz/news/training_risk/sphrase.
2. Д.Б.Нафасов “Банк рискларини бошқариш методологиясини такомиллаштириш” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил.
3. Ж.Й.Исаков, З.Ж.Адилова, Б.А.Хонтўраев “Банк рисклари” ўқув қўланма “Иқтисодиёт” Тошкент-2020 йил. 14-15 бет.
4. Niyozov, Z. D., Karimova, A. M., Malikova, D. M., Togaev, S. S., & Alimova, N. K. (2019). THE INTRODUCTION OF INNOVATIONS IN THE SPHERE OF PROVISION OF SERVICES OF UZBEKISTAN IN THE CONDITIONS OF TRANSITION TO DIGITAL ECONOMY. In International Scientific and Practical Conference “Innovative ideas of modern youth in science and education (pp. 376-378).
5. Тогаев, С. С., & Амиров, Э. Д. (2016). Основные рекомендации внедрения международных стандартов Базель III в мире и особенности внедрения их в Узбекистане. World science, 3(3 (7)), 56-61.